

П У Д Р А Т Ш А Р Т Н О М А С И № 6

2022 йил “ 28 ” Март

Жондор туман

“Омад Зиё Обод Турмуш” МЧЖ (ташкilot, корхона номи) кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилади. Ўзининг **низоми** (низоми, устави, ишончнома) асосида Рахбар **З.Шарипов** (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, бир томондан ва **Жондор туман 1-сон БЎСМ** (корхона, ташкilot, муассаса номи), кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади, ўзининг **низоми** (низоми, устави, ишончнома) асосида **А.Сулаймонов** (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартнома буйича Пудратчи Буюртмачининг буюртмасига асосан **Жондор туман 1-сон БЎСМ** биносини жорий таъмирлаш ишларини бажаришни, Буюртмачи эса бажарилган ишларни қабул қилиб олишни ҳамда тўловни амалга оширишни ўз зиммаларига оладилар.

1.2. Ушбу шартноманиннг умумий суммаси ККС ҳисобга олган ҳолда **102 900 000** сўмни ташкил этади.

2. ШАРТНОМА БУЙИЧА КЕЛИШУВ НАРХЛАР

2.1. Буюртмачи томонидан тақдим қилинган ҳужжатларга асосан таъмирлаш ишларининг қиймати ККС ҳисобга олган ҳолда **102 900 000** (Бир юз икки миллион тўққиз юз минг) сўмни ташкил этади.

2.2. Таъмирлаш ишларининг бошланиши 28-мартъ 2022 йил, олдиндан 30% тулов амалга оширилгандан сўнг.

2.3. Таъмирлаш ишларининг тугаши вақти 30-апрельгача 2022 йил.

3. ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИНИ БОШЛАШ, БАЖАРИШ ВА ТУГАТИШ БЎЙИЧА ШАРТНОМАВИЙ МУДДАТЛАР

3.1. Таъмирлаш ишларини бажариш муддати мазкур шартноманиннг 2.3. бандида кўрсатилган муддатгача амалга оширилади.

3.2. Шартномадаги 4.1 бандида кўрсатилган авансни Пудратчи олгандан сўнг таъмирлаш ишларини бошлайди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 24 августдаги “Бюджет ташкilotлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харид қилишда 15 фоиздан ортиқ миқдорда аванс тўлаши мумкин бўлган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг турлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги 241-сонли қарорига асосан бюджет ташкilotлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг товарларни (ишларни, хизматларни) харид қилиш бўйича суммаси бир миллиард сўмгача тузиладиган шартномаларида 30 фоиз миқдорида олдиндан тўловни амалга ошириш назарда тутилади. Пудратчи мазкур қарорга амал қилиши шарт.

3.3. Буюртмачи томонидан таъмирлаш ишларини бажариш даврида Пудратчига ўзи томонидан харид қилинган таъмирлаш материалларини тақдим қилиши мумкин.

3.4. Таъмирлашни тўхтаб қолганлиги учун сабабчи бўлган томон бунинг оқибатида келиб чиқадиган ҳар қандай камомад ёки жавобгарликни ўз зиммасига олади.

3.5. Таъмирлашни тугаллаб фойдаланишга топшириш учун тузилган комиссия далолатномаси тасдиқлангандан сўнг таъмирлаш ишлари тамом бўлган деб ҳисобланади.

4. ТЎЛОВ ШАРТИ ВА ТАРТИБИ

4.1. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар бюджетдан кўзда тутилган маблағлар жорий қийматининг 30 фоизи миқдорида март ойида аванс ўтказиши, бу **30 870 000** сўмни ташкил этади, 70% ишлар бажарилганлигини таъсдиқловчи ҳужжат тақдим қилгандан сўнг яъни (Ф-2, Ф-3) далолатномалари орқали орқали ушбу туловлар жорий йилнинг **30 апрель** кунигача амалга оширилади.

4.2. Буюртмачи тўловни пул ўтказиш йули билан амалга оширади.

4.3. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади.

4.4. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши ҳавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

4.5. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

5. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 5.1. Шартнома баҳоси **102 900 000** сўм бўлган таъмирлаш ишлари юқорида келишилган муддатда тугатиш ва фойдаланишга топшириш.
- 5.2. Махсус таъмирлаш ишларини бажариш учун махсус ёлланма пудратчи ташкилотларни жалб қилади.
- 5.3. Ҳар ҳафтанинг душанба кунини ҳафтада бажарилган таъмирлаш монтаж ишлари тўғрисидаги тегишли ҳужжатларни Буюртмачига тақдим қилиши шарт. Агар таъмирлаш мазкур шартномада кўрсатилган муддатда пудратчининг айби билан фойдаланишга топширилмаса, у ҳолда буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0.5 фоизи миқдорини пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.
- 5.4. Агар бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар сифати, ассортименти ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонунчиликда ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, буюртмачи ишларни, хизматларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, пудратчидан сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган ишлар ва хизматлар қийматининг 20 фоизи миқдорини жарима ундириб олишга, агар ишлар ва хизматлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир.
- 5.5. Пудратчи шартномада назарда тутилган маблағ доирасида ишларни бажаради ва шунга мувофиқ бажарилган ишлар тугрисида 2-сонли далолатномани тузади..

6. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 6.1. Шартномада курсатилган 4.1. ва 4.2. бандлари бузилса, Буюртмачи махсус ҳисоб-рақамидан ҳар бир кечиктирилган кун учун шартноманинг туланмаган нархини 0,4 фоизи миқдорини, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорини пеня тўлайди. Пудратчига пеня тўлайди.
- 6.2. Буюртмачи таъмирлаш ишларини ўз вақтида белгиланган стандартларга ва амалдаги қонунчиликка асосан қабул қилиб олади.
- 6.3. Буюртмачи тасдиқланган сметасига мувофиқ бюджетда назарда тутилган маблағ доирасида шартнома тузади ва шартнома суммасига мувофиқ 2-сонли далолатномани Пудратчи билан биргаликда тузади.

7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

- 7.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда содир этилиши ва тарафларнинг бунга лозим даражада маъсул бўлган вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан ҳақиқий ҳисобланади. (Бюджет ташкилотлари учун Ҳазначилик бўлини масида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига мувофиқ, мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб қучга қиради).
- 7.2. Шартнома 1 йил муддатга тузилган бўлиб, муддати тугагач, тарафлардан бири уни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақида муурожаат қилмаса, шартнома кейинги йил учун узайтирилган ҳисобланади. (Бюджетдан маблағ олувчилар учун 2016 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2850-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси Бюджет тизими бюджетларнинг ғазна ижроси Қоидалари”га асосан амал қилиш муддати 2022 йил 28-мартдан 2022 йил 31-декабрьгача белгиланади).
- 7.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик қучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.
- 7.4. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:
- томонларнинг келишувига мувофиқ;
 - Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.
 - Форс-мажор ҳолатларида

8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

- 8.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.
- 8.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиш олмасалар низолар Ўз.Р. “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан иқтисодий суди тартибида ҳал қилинади

8.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан хал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда эса иқтисодий судда хал қилинади.

9. БОШКА ШАРТЛАР

9.1 Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва хар иккала тарафлар орқали имзоланиши керак.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

“ПУДРАТЧИ”

“Омад Зиё Обод Турмуш” МЧЖ

(етказиб берувчининг номи)

Манзил: Жондор туман Истикбол кўча 65-уй

Тел./факс

Ҳ/р 20208000300228998001

Банк номи: Халқ банки Жондор филиали

МФО 00671 ИНН 302579757

Рахбар



З. Шарипов

М.Ў.



“БУЮРТМАЧИ”

Жондор 1-сон БЎСМ

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Жондор т. Халқобод кўча 29-уй

тел./факс 65 58-21-518

Ғазна./х 23402000300100001010.

Банк номи: Марказий банк Тошкент ш. ХККМ

МФО 00014 ИНН 203138943

ОКОНХ 91700

ш/х 100022860062467083610245001

Жондор туман Ғазначилик бўлинмаси

Банк номи. Марказий банк Тошкент ш.

ХККМ

МФО 00014 ИНН 201122919

Рахбар



А. Сулаймонов

М.Ў.

ХУКУҚШУНОС:



(имзо)



(бюджетдан маблағ олувчи ташкилот
хукуқшуносининг Ф.И.О)

Лицензия № 006134

Берилган сана: 18.04.2021 йил

Хуқуқий Хулоса

(Узбекистон Республикасининг «Хужалик юритувчи субектлар фаолиятининг шартномавий хуқуқий базаси тугрисида»ги Конунининг 20-21 моддалари тартибида)

« 28 » Март 2022 йил

6-сонли

Жондор. ш

Мен Хуқуқшунос Ш.Ахмедов Жондор туман 1-сон БЎСМ директори А.Сулаймонов ҳамда “Омад Зиё Обод Турмуш” мчж раҳбари З.Шариповлар ўртасидаги 2022 йил 28 март куни 6-сонли тузилаётган шартномани Уз.Р.нинг «Хужалик юритувчи субектлар фаолиятининг шартномавий хуқуқий базаси тугрисида»ги Конунининг 21-моддасига мувоффиқ хуқуқий экспертиза ўтказганимда аниқладим:

Мазкур шартнома буйича узига олаётган мажбуриятларни бажариши Уз.Р.нинг «Хужалик юритувчи субектлар фаолиятининг шартномавий хуқуқий базаси тугрисида»ги Конунининг 21-моддасига мувоффиқ белгиланган. Шартнома юзасидан келиб чиқадиган низолар буйича жавобгар бўла олади.

Шартномада томонлар жавобгарлиги ҳамда тўлов тартиблари белгиланган, юридик манзиллар тўғри кўрсатилган.

Кўшимча шартлар ва шартномани хуқуқий кучга кириш вақти ҳамда амал қилиш муддати аниқ қилиб белгиланган.

Тарафларнинг юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги, манзили ва ҳисоб рақамлари тўғри ҳамда қонуний эканлиги текшириб кўрилди.

Юқоридагиларга асосан мазкур шартномани Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси, Ўз.Р. «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тугрисида» ги Конуни талабларига жавоб беради ва тақдим қилинган тартибда имзолаш мумкин деб ҳисоблайман.

Хуқуқшунос :



Ш. Ахмедов

Номер : Детско-юношеская спортивная школа Жандарского района



ДЕФЕКТНЫЙ АКТ

От 2022 года.

Мы, нижеподписавшиеся комиссия в составе - Члены комиссии: Заву : И Шарипов : И Шарипов : Завхоз : Т. Мансуров произвели осмотр по объекту " Текущий ремонт зданий детско-юношеская спортивная школа Жандарского района Бухарской области " после чего вывели перечень следующих видов ремонтных работ:

№ п/п	Наименование работ	Единица измерения	Количество
1	2	3	
РАЗДЕЛ 1. ЗДАНИЕ			
1	РАЗРАБОТКА ГРУНТА В ОТВАЛ ЭКСКАВАТОРАМИ "ДРАГЛАЙН" ИЛИ "ОБРАТНАЯ ЛОПАТА" С	1000М3	0,0402
2	РАЗРАБОТКА ГРУНТА ВРУЧНУЮ В ТРАНШЕЯХ ГЛУБИНОЙ ДО 2 М БЕЗ КРЕПЛЕНИЙ С ОТКОСАМИ,	100М3	0,0302
3	УСТРОЙСТВО ПОДСТИЛАЮЩИХ СЛОЕВ ГРАВИЙНЫХ	М3	1,0960
4	УСТРОЙСТВО ЛЕНТОЧНЫХ ФУНДАМЕНТОВ БЕТОННЫХ ИЗ БЕТОНА КЛ В15	100М3	0,2400
5	УСТРОЙСТВО ГИДРОИЗОЛЯЦИЙ ВЕРТИКАЛЬНЫХ ПОВЕРХНОСТЕЙ. ОБМАЗОЧНАЯ БИТУМНАЯ В ОДИН СЛОЙ ПО ВЫРОВНЕННОЙ ПОВЕРХНОСТИ КИРПИЧА И БЕТОНА	100М2	0,4950
6	УСТРОЙСТВО ГИДРОИЗОЛЯЦИЙ ВЕРТИКАЛЬНЫХ ПОВЕРХНОСТЕЙ. ОБМАЗОЧНАЯ БИТУМНАЯ НА	100М2	0,4950
7	УСТРОЙСТВО МОНОЛИТНЫХ УЧАСТКОВ ИЗ БЕТОНА КЛ В15	100М3	0,0305
8	АРМАТУРА ДЛЯ МОНОЛИТНЫХ ЖЕЛЕЗОБЕТОННЫХ КОНСТРУКЦИЙ В ВИДЕ СЕТОК И ПЛОСКИХ	Т	0,3420
9	КЛАДКА СТЕН ИЗ ЛЕГКОБЕТОННЫХ КАМНЕЙ БЕЗ ОБЛИЦОВКИ ПРИ ВЫСОТЕ ЭТАЖА ДО 4 М	М3	15,3800
10	УСТРОЙСТВО ПОЯСОВ В ОПАЛУБКЕ ИЗ БЕТОНА КЛ. В15	100М3	0,0061
11	АРМАТУРА ДЛЯ МОНОЛИТНЫХ ЖЕЛЕЗОБЕТОННЫХ КОНСТРУКЦИЙ В ВИДЕ ПРОСТРАНСТВЕННЫХ КАРКАСОВ, ПЕРИОДИЧЕСКОГО ПРОФИЛЯ КЛАССА АIII, ДИАМЕТРОМ 10	Т	0,0543
12	АРМАТУРА ДЛЯ МОНОЛИТНЫХ ЖЕЛЕЗОБЕТОННЫХ КОНСТРУКЦИЙ В ВИДЕ ПРОСТРАНСТВЕННЫХ КАРКАСОВ, ГЛАДКАЯ КЛАССА АI, ДИАМЕТРОМ 6 ММ	Т	0,0339
13	УСТРОЙСТВО ПЕРЕМЫЧЕК ИЗ БЕТОНА КЛ. В15	100М3	0,0038
14	АРМАТУРА ДЛЯ МОНОЛИТНЫХ ЖЕЛЕЗОБЕТОННЫХ КОНСТРУКЦИЙ В ВИДЕ ПРОСТРАНСТВЕННЫХ КАРКАСОВ, ПЕРИОДИЧЕСКОГО ПРОФИЛЯ КЛАССА АIII, ДИАМЕТРОМ 12	Т	0,0337
15	АРМАТУРА ДЛЯ МОНОЛИТНЫХ ЖЕЛЕЗОБЕТОННЫХ КОНСТРУКЦИЙ В ВИДЕ ПРОСТРАНСТВЕННЫХ КАРКАСОВ, ГЛАДКАЯ КЛАССА АI, ДИАМЕТРОМ 6 ММ	Т	0,0800
16	УСТАНОВКА СТОПИЛ, ПРОГОНОВ, МАУЭРЛАТ, ПОДКОСОВ, ОБРЕШЕТКИ	М3	0,4814
17	УСТРОЙСТВО КРОВЛИ ИЗ ПРОФНАСТИЛА ТРАПЕЦИЕВИДНОГО И СИНУСОВИДНОГО ПРОФИЛЯ, С ПОКРЫТИЕМ ПО ГОТОВЫМ ПРОГОНАМ: ПРОСТОЙ СЛОЖНОСТИ	100 М2 КРОВЛИ	0,2600
18	НАРУЖНАЯ ОБЛИЦОВКА ПОВЕРХНОСТИ СТЕН И ПОТОЛКОВ МЕТАЛЛОСАЙДИНГОМ	100 М2	0,0600
19	УСТАНОВКА В ЖИЛЫХ И ОБЩЕСТВЕННЫХ ЗДАНИЯХ ОКОННЫХ БЛОКОВ ИЗ АЛЮМИНИЯ В КАМЕННЫХ СТЕНАХ, ОТКРЫВАЮЩИМИСЯ (ПОВОРОТНЫХ, ОТКИДНЫХ, ПОВОРОТНО-ОТКИДНЫХ): С ПЛОЩАДЬЮ ПРОЕМА ДО 3 М2	100 М2	0,0125
20	УСТАНОВКА БЛОКОВ АЛЮМИНИЕВЫХ В НАРУЖНЫХ И ВНУТРЕННИХ ДВЕРНЫХ ПРОЕМАХ: В КАМЕННЫХ СТЕНАХ ПЛОЩАДЬЮ ПРОЕМА ДО 3 М2	100М2	0,0665
21	УСТРОЙСТВО СТЯЖЕК ЦЕМЕНТНЫХ ТОЛЩИНОЙ 40 ММ	100М2	0,1620
23	УСТРОЙСТВО ПОКРЫТИЙ НА РАСТВОРЕ ИЗ СУХОЙ СМЕСИ С ПРИГОТОВЛЕНИЕМ РАСТВОРА В ПОСТРОЕЧНЫХ УСЛОВИЯХ ИЗ КЕРАМИЧЕСКИХ ПЛИТОК ДЛЯ ПОЛОВ	100 М2	0,0900
24	НАТЯГИВАНИЕ СЕТКИ(СЕТКА ПЛЕТЕННАЯ С КВАДРАТНЫМИ ЯЧЕЙКАМИ №12 БЕЗ ПОКРЫТИЯ ИЗ ПРОВОЛОКИ Д 1,6 ММ (РЯБИЦА))	100М2	0,0900
26	ЗАПОЛНЕНИЕ КАРКАСОВ МИНЕРАЛОВАТНЫМИ ПЛИТАМИ ПОТОЛКОВ ПРИ ТОЛЩИНЕ ЗАПОЛНЕНИЯ 80 ММ	100М2	0,0900
28	ОБЛИЦОВКА ПОТОЛКА ДЕКОРАТИВНЫМИ ПЛАСТИКОВЫМИ ПАНЕЛЯМИ С УСТРОЙСТВОМ С КАРКАСА БЕЗ ОТНОСА ОТ ПОТОЛКА	100М2	0,1620
29	ОШТУКАТУРИВАНИЕ ПОВЕРХНОСТЕЙ ЦЕМЕНТНО-ИЗВЕСТКОВЫМ ИЛИ ЦЕМЕНТНЫМ РАСТВОРОМ ПО КАМНЮ И БЕТОНУ УЛУЧШЕННОЕ СТЕН	100М2	0,8895
30	ГЛАДКАЯ ОБЛИЦОВКА СТЕНАХ ГЛАЗУРОВАННЫМИ КЕРАМИЧЕСКИМИ ПЛИТКА ВЫСОТА 1600ММ	100М2	0,3760
31	ОКРАСКА ПОЛИВИНИЛАЦЕТАТНЫМИ ВОДОЭМУЛЬСИОННЫМИ СОСТАВАМИ УЛУЧШЕННАЯ ПО ШТУКАТУРКЕ СТЕН	100М2	0,5163
32	УЛУЧШЕННАЯ ШТУКАТУРКА ЦЕМЕНТНО-ИЗВЕСТКОВЫМ РАСТВОРОМ ПО КАМНЮ СТЕН	100М2	0,5560
33	ОКРАСКА ФАСАДОВ С ЛЕСОВ С ПОДГОТОВКОЙ ПОВЕРХНОСТИ ПОЛИВИНИЛАЦЕТАТНАЯ	100М2	0,5560
34	УСТРОЙСТВО ПОДСТИЛАЮЩИХ СЛОЕВ ГРАВИЙНЫХ//ОТМОСТКА	М3	2,3600
35	УСТРОЙСТВО ПОКРЫТИЙ БЕТОННЫХ ТОЛЩИНОЙ 100 ММ ИЗ БЕТОНА КЛ В 15//ОТМОСТКА	100М2	0,2360
37	УСТАНОВКА ЛЮКА	ШТ	1,0000

38	УКЛАДКА КАНАЛИЗАЦИОННЫХ БЕЗНАПОРНЫХ РАСТРУБНЫХ ТРУБ ИЗ ПОЛИВИНИЛХЛОРИДА (ПВХ) И ПОЛИЭТИЛЕНА ДИАМЕТРОМ ДО 200 ММ	100М	0,1200
39	ПРОВОД В ЗАЩИТНОЙ ОБОЛОЧКЕ ИЛИ КАБЕЛЬ ДВУХ-ТРЕХЖИЛЬНЫЕ ПОД ШТУКАТУРКУ ПО СТЕНАМ ИЛИ В БОРОЗДАХ//ППВ 2Х2,5ММ ²	100М	1,0000
40	ТРУБА ВИНИПЛАСТОВАЯ, ПОЛИЭТИЛЕНОВАЯ ИЛИ ПОЛИПРОПИЛЕНОВАЯ ПО УСТАНОВЛЕННЫМ КОНСТРУКЦИЯМ, ПО СТЕНАМ И КОЛОННАМ С КРЕПЛЕНИЕМ СКОБАМИ, ДИАМЕТР ДО 25 ММ(ТРУБА ГОФРИРОВАННАЯ Д-25М)	100 М	1,0000
42	ВЫКЛЮЧАТЕЛИ, ПЕРЕКЛЮЧАТЕЛИ И ШТЕПСЕЛЬНЫЕ РОЗЕТКИ. ВЫКЛЮЧАТЕЛЬ ОДНОКЛАВИШНЫЙ УТОПЛЕННОГО ТИПА ПРИ СКРЫТОЙ ПРОВОДКЕ(ВЫКЛЮЧАТЕЛЬ ОДНОКЛАВИШНЫЙ ДЛЯ СКРЫТОЙ ПРОВОДКИ, ТИП С-1-86-10/220)	100ШТ	0,0600
44	КОРОБКА	ШТ	8,0000
45	СВЕТИЛЬНИК, ОТДЕЛЬНО УСТАНОВЛИВАЕМЫЙ НА ШТЫРЯХ, С КОЛИЧЕСТВОМ ЛАМП В СВЕТИЛЬНИКЕ 1 //LED 18W	100ШТ	0,0500
46	УСТАНОВКА ЧАШ [УНИТАЗОВ НАПОЛЬНЫХ] С БАЧКОМ ВЫСОКОРАСПОЛАГАЕМЫМ	10КОМПЛ.	0,1000
47	ПРОКЛАДКА ТРУБОПРОВОДОВ ВОДОСНАБЖЕНИЯ ИЗ НАПОРНЫХ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫХ ТРУБ НИЗКОГО ДАВЛЕНИЯ СРЕДНЕГО ТИПА НАРУЖНЫМ ДИАМЕТРОМ 20 ММ	100М	0,3500
48.1	ТРОЙНИКИ ПОЛИПРОПИЛЕНОВЫЕ Д. 20 ММ	ШТ	3
49.1	БАРАШКОВЫЕ ПОЛИПРОПИЛЕНОВЫЕ ВЕНТИЛИ Д 20 ММ	ШТ	4
50.1	ОТВОДЫ ПОЛИПРОПИЛЕНОВЫЕ 90 ГРАД Д 20 ММ	ШТ	5
51.1	МУФТЫ ПОЛИПРОПИЛЕНОВЫЕ Д. 20 ММ	ШТ	6
52.1	КЛИПСЫ ПОЛИПРОПИЛЕНОВЫЕ Д 20 ММ	ШТ	15
РАЗДЕЛ 2. КОЛОДЕЦ С ВОДОЙ			
53	РАЗРАБОТКА ГРУНТА ВРУЧНУЮ В ТРАНШЕЯХ ГЛУБИНОЙ ДО 2 М БЕЗ КРЕПЛЕНИЙ С ОТКОСАМИ, ГРУППА ГРУНТОВ I	100М3	0,0710
54	УСТРОЙСТВО ГИДРОИЗОЛЯЦИЙ ВЕРТИКАЛЬНЫХ ПОВЕРХНОСТЕЙ. ОБМАЗОЧНАЯ БИТУМНАЯ В ОДИН СЛОЙ ПО ВЫРОВНЕННОЙ ПОВЕРХНОСТИ КИРПИЧА И БЕТОНА	100М2	0,0942
55	УСТРОЙСТВО ГИДРОИЗОЛЯЦИЙ ВЕРТИКАЛЬНЫХ ПОВЕРХНОСТЕЙ. ОБМАЗОЧНАЯ БИТУМНАЯ НА КАЖДЫЙ СЛОЙ ДОБАВЛЯЕТСЯ	100М2	0,0942
56	УСТРОЙСТВО КРУГЛЫХ БЕТОННЫХ МОНОЛИТНЫХ КАНАЛИЗАЦИОННЫХ КОЛОДЦЕВ ДИАМЕТРОМ 1,5 М В ГРУНТАХ СУХИХ	10М3	0,3960
57	УСТРОЙСТВО ПОДСТИЛАЮЩИХ СЛОЕВ ГРАВИЙНЫХ	М3	0,3140
58	УСТРОЙСТВО ПОДСТИЛАЮЩИХ СЛОЕВ БЕТОННЫХ	М3	0,1760
59	УСТРОЙСТВО МОНОЛИТНЫХ УЧАСТКОВ ПЕРЕКРЫТИЯ ИЗ БЕТОНА КЛ В15, ПЛОЩАДЬЮ ДО 5 М2	100М3	0,0077
60	УСТАНОВКА ЛЮКА	ШТ	1,0000

Завез :

Хисобчи :

Завхоз :

[Handwritten signature]
[Handwritten signature]
[Handwritten signature]

И Шарипов

У. Рахматов

Т. Мансуров :